

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДИЕВ САЛОХИДДИН БУРОНОВИЧ

**ЗОТЛИ СИГИРЛАРДА ТУГИШДАН КЕЙИНГИ ЭНДОМЕТРИТЛАРНИ
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary
sciences**

Абдиев Салохиддин Буранович Зотли сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш.....	3
Абдиев Салохиддин Буранович Усовершенствование лечения и профилактики послеродового эндометрита у породистых коров.....	23
Abdiev Salokhiddin Buronovich Improving the treatment and prevention of postpartum endometritis in purebred cows.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ


САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ САЛОХИДДИН БУРОНОВИЧ

ЗОТЛИ СИГИРЛАРДА ТУГИШДАН КЕЙИНГИ ЭНДОМЕТРИТЛАРНИ
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАИЛЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



Самарқанд - 2023

✕

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий Аттестация Комиссиясида В2020.2.PhD/V39 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssuu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Ниязов Хаким Бақиевич ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дилмуродов Насриддин Бабакулович ветеринария фанлари доктори, профессор
	Кулдошев Отамурод Уразович ветеринария фанлари доктори
Ётақчи ташкилот:	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси

Диссертация химояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «18» 12 соат «18» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кучаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuu@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17/3/24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кучаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2023 йил «18» 9 Кўни тарқатилди.
(2023 йил «18» 9 даги № 9 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуршев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.д., доцент

К.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда қорамолчилик ҳужаликларини ривожлантириш ва юқори маҳсулдор сигирлар бош сонини кўпайтиришда уларнинг акушер-гинекологик касалликлари, хусусан бачадон касалликлари қатта тусиқлардан бири бўлмоқда. Зотли сигирларнинг эндометритлар билан касалланиши оқибатида улардан олинаётган сут маҳсулоти кескин пасаяди, касал хайвон кучли ориклайди, пуштдорлик кўрсаткичларида жиддий муаммолар пайдо бўлади. Сигирлар орасида акушер-гинекологик касалликларининг ўртача 86,1-94,7% ни йирингли-катарал эндометритлар, 1,9-4,8% ни катарал эндометритлар, 2,7-5,8% ни фибринли ва туғруқдан кейинги некротик эндометритлар ташкил этади¹. Шунингдек, маҳсулдор сигирларда эндометритларнинг турлари ва йил фасллари бўйича учраш даражаси, иқтисодий зарари, кечиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу патологияни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Дунё ветеринария илм-фани ва амалиётида ҳозирги вақтгача сигирларда эндометритларнинг этиологияси, тарқалиши, патогенези ва симптомларини ўрганиш ҳамда даволаш ва профилактикаси бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлигига қарамадан ушбу касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш, уни даволаш ва олдини олиш бўйича ягона илмий ҳулосага келинмаган. Бу борада маҳсулдор сигирлар орасида кенг тарқалган эндометритларга эртачи ва туғри ташхис қўйиш, этиопатогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш, организмда регенерация жараёнларини тезлаштириш учун замонавий янги дори моддаларини қўллашнинг меъёр ва миқдорларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг қорамолчиликка ихтисослашган ҳужаликларига хориждан олиб келинаётган юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлган сигирлар орасида тарқалган акушер-гинекологик касалликларни олдини олишга қаратилган зооветеринария тадбирларининг ўтказилиб борилаётганлигига қарамадан, механик шикастланишлар ва бошқа омиллар оқибатида сигирларнинг эндометрит касалликлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолат, табиийки, маҳсулдор қорамолларда эндометритларни республикамиз фермер ҳужаликлари шароитларидаги мавжуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эртачи ташхислаш, гуруҳли олдини олиш ва самарали даволаш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мулжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Епишин С.А. Пробиотик зоонорм при эндометрите коров // Ветеринария, М., 2004.- № 7.- С. 33-35.

стратегияси тўғрисида»²ги, фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Сигирларда эндометритларнинг, сабаблари, ташхиси, даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича республикаимиз олимларидан Б.Муртазин, Ш.Б.Ата-Қурбонов, Б.М.Эшбуриев, Х.Б.Ниёзов, О.У.Қулдошев, Ш.К.Балиевлар, хорижий олимлардан Т.Е.Григорьева, И.Г.Конпельцев, В.И.Мисайлов, В.А.Епишин, Е.С. Сапожников, G.Donofrio, L.Singh, T.Nakao, N.Galon ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Республикаимиз қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитидаги зотли сигирлар орасида эндометритларнинг тарқалиши ва сабаблари, эртачи ташхис усулларини яратиш ҳамда самарали даволаш ва гуруҳли олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган, шу боисдан, бу соҳада жадал технологиялар асосида ривожланаётган хўжаликлар шароитида илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг қорамолчилик хўжаликлари билан ҳамкорликда тузилган хўжалик шартномалари (2018-2022 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сигирларда туғруқдан кейинги эндометритнинг тарқалиши, этиопатогенези, клиник белгилари ва ташхисини ўрганиш, шунингдек, даволаш ҳамда олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Тадқиқотнинг вазифалари: акушер-гинекологик диспансерлаш нсгизда қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар шароитида маҳсулдор сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларининг учраш даражаси ва сабабларини аниқлаш;

сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни кечиш хусусиятларини урганиш ва эртачи ташхис усулини ишлаб чиқиш;

сигирларда туққандан кейинги бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни даволаш усулларини такомиллаштириш;

зотли сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни олдини олиш усулини ишлаб чиқиш;

зотли сигирларда туғишдан кейинги бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни эртачи аниқлаш, даволаш ҳамда олдини олиш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида парваришланаётган сигирлар, улардан олинган қон ва жинсий аъзолардан олинган эксудат намуналари, симтоматик ва этиотроп даволаш воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети тажрибалар ўтказилган хўжаликлардаги сигирлар жинсий аъзоларидан олинган суюқликнинг рН кўрсаткичи, ундаги микроблар турлари, хусусиятлари ва дори воситаларига сезувчанлиги, эндометритда сигирларнинг клиник, қондаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда клиник, патологоанатомик, морфологик ва биокимёвий, микроорганизмларни лабораторияда *in vitro* усулида биокимёвий ва плазмокоагулаза хусусиятлари, патологоанатомик ва статистик ҳамда УТТ текшириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

зотли сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларнинг йил фаслларида боғлиқ ҳолдаги учраш динамикаси аниқланган;

маҳсулдор сигирларда туғиш жараёнидаги механик шикастланишлар, микроорганизмлар ва замбуруғлар эндометритларни келтириб чиқаришда асосий этиологик омиллар эканлиги илмий асосланган;

сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларнинг клиник белгилари, гематологик кўрсаткичлари урганилган ва дифференциал ташхис усули ишлаб чиқилган;

бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни даволашда анъанавий даволаш усулларида қўшимча равишда таркиби: 10 г окситетрациклин гидрохлорид, 4 мл АСД-2, 1,5 г танин, 50 мл балиқ мойи, 1 г флуконазол, 35 мл диетилланган сувдан иборат эмульсиядан бачадонга 80 мл юбориш ва Пенстреп - 400 антибиотигини 20 мл мускул орасига ҳар 48

соатга бир марта жами уч марта қўллашга асосланган даволаш усули такомиллаштирилган;

сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни олдини олишда янги тукқан сигирларга туккандан кейинги кунни тайёрланган эмульсиядан бачадонга 60 мл юбориш ва Пенстреп - 400 антибиотигидан 20 мл мускул орасига ҳар 48 соатда бир марта, жами уч марта юборишдан иборат профилактик мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳсулдор сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни йил фаслларига боғлиқ ҳолдаги учраш динамикаси ҳамда механик шикастланишлар, микроорганизмлар ва замбуруғлар эндометритларни келтириб чиқариши аниқланган;

сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларда узига хос клиник ҳамда гематологик ўзгаришлар кузатилиши ва дифференциал ташхиси тажрибаларда илмий асосланган;

сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни даволашда дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлар мажмуаси бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққослаб, чуқур илмий таҳлил этилганлиги, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигирларда бактериал ва бактериал микотик этиологияли эндометритларининг турлари, учраш даражаси, сабаблари, клиник белгилари ўрганилганлиги, даволаш ва олдини олишга қаратилган воситалар сновдан ўтказилганлиги, касалланган сигирларда клиник, морфологик, биокимёвий ва микробиологик ўзгаришлар таҳлил қилинганлиги, даволаш ва олдини олишда восита ҳамда усулларнинг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда сигирлар орасида бактериал ва бактериал микотик этиологияли эндометритларни фасллар бўйича учраш даражаси аниқланганлиги, касалликни даволаш ва олдини олишда янги препаратларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва бузоқ олишнинг ортиши орқали фермер хўжаликлариغا етказилаётган катта

иктисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зотли сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш буйича тадқиқотлар натижалари асосида:

«Зотли сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларини даволаш ва олдини олиш буйича тавсиялар» тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-334-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларни даволаш ва олдини олишда 80% самарадорликка эришилган;

бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометрит булган сигирларни соғайиш жараёнини тезлаштириш мақсадида, таркиби: 10 г окситетрациклин гидрохлорид, 4 мл АСД 2, 1,5 г танин, 50 мл балиқ мойи, 1 г флуконазол, 35 мл дистилланган сувдан иборат эмульсия бачадон ичига 80 мл ва Пенстреп – 400 препаратидан 20 мл мускул орасига юборишга асосланган даволаш усули ишлаб чиқилган ва Самарканд вилояти қорамолчилик фермер хўжалиқларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-334-сон маълумотномаси). Натижада бактериал ва бактериал-микотик эндометрит билан касалланган сигирларнинг назорат гуруҳига нисбатан 4-6 кун олдин соғайишига эришилган;

зотли сигирларда бактериал ва бактериал-микотик этиологияли эндометритларини олдини олишда, туққандан кейинги куни тавсия этилаётган эмульсиядан бачадонга 60 мл юбориш ва Пенстреп - 400 антибиотигидан 20 мл мускул орасига ҳар 48 соатда бир марта, жами уч марта юборишга асосланган усул ишлаб чиқилган ва Самарканд вилояти қорамолчилик фермер хўжалиқларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-334-сон маълумотномаси). Ушбу гуруҳли профилактик мажмуа бошқа муқобил олдини олиш вариантларига қараганда энг самарали олдини олиш усули эканлиги аниқланиб, сарфланган бир сўмга харажатлар коплами 3,9 сўм ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 та хорижий, 4 та республика илмий журналларида, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг урганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар маълумотларининг тахлили» деб номланган биринчи боби беш қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи қисмида сигирларда бепуштликнинг туғишдан кейинги эндометритлар билан боғлиқлиги, иккинчи қисмида, сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар, учинчи қисмида сигирларда туғишдан кейинги эндометритларнинг клиник белгилари, диагностикаси, тўртинчи қисмида сигирларда туғишдан кейинги эндометритларда жинсий аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришлар, бешинчи қисмида эса сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни даволаш, олдини олиш усуллари ва воситалари буйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Хусусий текширишлар» деб аталган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари туғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқотлар 2018-2022 йилларда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети) «Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик», «Эпизоотология, микробиология ва вирусология» кафедраларида, вилоят кул тармоқли болалар шифохонаси лабораториясида, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Талабот», Оқдарё тумани «Фаровон Гранд Инвест», Нарпай тумани «Агро Голд Спринг» чорвачилик фермер ҳужалигида, «Оқдарё Тўлқин шижоат» чорвачилик фермер ҳужалигида, Пахтачи туман «Хирмонга барака Икром» ва «Уткир чорво инвест» чорвачилик фермер ҳужаликларида олиб борилди.

Диспансерлаш орқали ҳужаликнинг чорвачилик буйича иктисодий курсаткичлари, ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш шароитлари ҳамда сут маҳсулдорлигини таҳлил қилиш асосида пода синдроматикаси урганилди.

Тутруқдан кейинги эндометрит билан касалланган сигирларни умумий ва махсус текшириш, яъни курик, туғри ичак орқали бачадон ички қисмида

суюклик бор ёки йуқлиги текширилди. Барча тажрибаларда кон таркибдаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула (Романовский – Гимза усулида буйланган суртмаларда), қондаги гемоглобин миқдори Сали гемометри ёрдамида (А.А.Кудрявцев ва бошқ.), қон зардобидаги умумий оксил миқдори (рефрактометриқ усул), оксил фракциялари Олла-Маккарднинг нефелометриқ экспресс усули С.А.Карпюк модификацияси буйича аниқланди.

Диссертациянинг «Сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг биологик ва этиопатогенетик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобнинг «Сигирлардаги туғишдан кейинги эндометритларни этиопатогенезининг айрим хусусиятлари» деб номланган қисмида сигирларнинг йирингли-қатарал эндометрит билан қасалланиш даражаси келтирилган.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Фаровон Гранд Инвест” чорвачилиқ фермер хўжалигида, Нарпай тумани “Агро Голд Спринг” чорвачилиқ фермер хўжалигида, Пахтачи туман “Хирмонга барака Иқром”, “Ўтқир чорво инвест” чорвачилиқ фермер хўжалиқларида 2018 йилда 303 бош сигирларда акушер-гинекологик диспансерлаш ўтказилганда, уларнинг 45 бошида (14,85%) бачадонларида турли шаклдаги эндометритлар кечаётганлиги қайд этилди.

Хўжалиқлардаги сигирларда 2018 йилда 303 бош сигирларда акушер гинекологик диспансерлаш ўтказилганда, эндометрит турлари буйича таҳлил қилинганда 45 бош хайвонлар (14,85%) қасалланганлиги ва шундан 22 бош хайвонда (48,8%) йирингли-қатарал эндометритлар, 12 бош хайвонда (26,6%) бактерия ва замбуругли этиологияли йирингли-қатарал эндометрит ва 11 бош хайвонда эса (24,4%) қатарал эндометрит кечаётганлиги қайд этилди.

Олинган текшириш маълумотларни мавсумий таҳлил қилганимизда клиник белгилари яққол намоён бўлган сигирларда йирингли-қатарал эндометрит қасалликлари киш ва баҳор ойларида кўпроқ учраши қайд қилинди. Бунда 2018 йилда жами 4 та хўжалиқлардан киш ойларида туққан 76 бош сигирлар клиник текширилганда, ундан 15 бош (17,89%) сигирда, баҳор ойларида 90 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 21 бош (24,40%) сигирда, ёз ойларида 64 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 4 бош (6,56%) сигирда ва куз ойларида 73 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 5 бош (6,84%) сигирда йирингли-қатарал эндометритнинг бошланғич босқичи ҳамда клиник белгилари яққол намоён бўлган эндометрит билан қасалланганлиги аниқланди.

2019 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Фаровон Гранд Инвест” чорвачилиқ фермер хўжалигида, Нарпай тумани “Агро Голд Спринг” чорвачилиқ фермер хўжалигида, Пахтачи туман “Хирмонга барака Иқром”, “Ўтқир чорво инвест” ва “Жасурбек Хирмони” чорвачилиқ фермер хўжалиқларида 2019 йилда 385 бош сигирларда акушер-гинекологик

диспансерлаш ўтказилганда, уларнинг 59 бошида (15,3%) бачадонларида турли шаклдаги эндометритлар кечаётганлиги аниқланди. Шундан 31 бош хайвонда (52,5%) катарал-йирингли эндометритлар, 15 бош хайвонда (25,4%) бактерия ва замбуруғли этиологияли катарал-йирингли эндометрит ва 13 бош хайвонда эса (22%) катарал эндометрит жараёнлари кечаётганлиги қайд этилди.

Олинган текшириш маълумотларини мавсумий таҳлил қилганимизда клиник белгилари яққол намоён бўлган катарал-йирингли эндометрит касалликлари киш ва баҳор ойларида кўпроқ учраши қайд қилинди. Бунда 2019 йилда жами 5та хўжаликлардан киш ойларида туққан 82 бош сигирлар клиник текширилганда, ундан 15 бош (18,82%) сигирда, баҳор ойларида 125 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 30 бош (23,43%) сигирда, ёз ойларида 82 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 6 бош (7,21%) сигирда ва куз ойларида 96 бош туққан сигирлар клиник текширилганда, ундан 8 бош (6,49%) сигирда катарал-йирингли эндометритнинг бошланғич босқичи ҳамда клиник белгилари яққол намоён бўлган эндометрит билан касалланганлиги аниқланди.

Сигирларда катарал-йирингли эндометритлар асосан ўткир ва сурункали кечиб, асосан кўпчилик хайвонларда туғишдан кейин 5-6 кунларда бачадондан кулранг оқ рангдаги суюқлик оқиши қайд қилинди. Айрим сигирларнинг бачадонидан карункалар ва плаценталарнинг чириган бўлакчалари аралаш йирингли суюқлик оқиши хайвон кучанганда, ётганда ёки қўл билан туғри ичак орқали массаж қилганда кузатилиб, кўп ҳолларда экссудат думнинг вентрал қисмида қотиб қолганлиги қайд этилди. Бачадон кини ва бўйинчаси шиллик пардасида шиш, қизариш ва конталашлар кузатилиб, қиң даҳлизидида хусусан, бачадон бўйинчаси олдиға бачадондан ажралиб чиқаётган экссудат тўпланганлиги ва бачадон бўйинчаси канали 1-2 бармоқ кенглигида очиқ эканлиги кузатилди.

Бачадонни туғри ичак орқали текширганимизда бачадон девори буш, айрим ҳолларда хамирсимон консистенцияли бўлиб шўлқиллайди. Сигирнинг умумий ҳолати қониқарли бўлсада, аммо сут миқдори камайганлиги қайд қилинди.

Сигирнинг умумий ҳолати бачадондаги йирингли-некротик жараёнларининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, жараённинг оғирлигига қараб, унинг умумий ҳолати ёмонлашганлиги, букчайиб ҳолсизланиш, кескин ориқлаш ва умумий ҳарорати $1 - 1,5^{\circ}\text{C}$ ча кўтарилганлиги қайд этилди.

Республикаимиздаги сут йўналишидаги зотли сигирларда туғишдан кейинги эндометритлар келтириб чиқарувчи асосий омиллардан озиқлантириш ва сақлаш шароитларининг талаб даражасидан пастлиги ва моционнинг етишмаслиги оқибатида моддалар алмашинуви жараёнининг бузилиши ва иммунобиологик хусусиятларни пасайишига, оқибатда туғил пайтидаги бачадондаги шикастланишлар орқали шартли патоген микроорганизмларнинг организмга кириши ва туққандан кейин 8-10 чи

(айрим ҳолларда 3-6 чи) кунларда йирингли яллигланиш жараёнларининг ривожланишига сабаб бўлиши қайд этилди.


Микробларни антибиотиклар ва бошқа дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш мақсадида Петри идишларидан ўсган микроблар колониясидан соф культурани ажратиб олиш учун ҳар бир Петри идишларидан бир дона калонияни олиб 1:10 нисбатда 0,9% физиологик эритмада суюлтириб экилди ва антибиотик ва бошқа дори воситалари шимдирилган дисклар жойлаштирилиб термостатга қўйилди. Термостатдан Петри идишларидан олинган дисклар атрофида зоналар ҳосил бўлганлиги қайд қилинди. Ҳосил бўлган зоналар линейка ёрдамида ўлчанганда махсус тайёрланган эмульсия шимдирилган дискларда, (окситетрасиклин ва Пенстреп – 400) стафилакокк 29 мм ни, стрептококк 23 мм ни, эшерихия коли 25 мм ни, кук йиринг таёқчаси 23 мм ни, замбуруғлар 26 мм ни ташкил этган бўлса, окситетрациклин гидрохлорид шимдирилган дискларда стафилакокк 28 мм ни, стрептококк 21 мм ни, эшерихия коли 26 мм ни, кук йиринг таёқчаси 23 мм ни, замбуруғлар 25 мм ни ташкил этди.

Шунга ўхшаш дитрим шимдирилган дискларда стафилакокк 24 мм ни, стрептококк 20 мм ни, эшерихия коли 22 мм ни, кук йиринг таёқчаси 21 мм ни, замбуруғлар 23 мм ни ва фуразолидон шимдирилган дискларда стафилакокк 22 мм ни, стрептококк 18 мм ни, эшерихия коли 15 мм ни, кук йиринг таёқчаси 13 мм ни, замбуруғлар 12 мм ни ташкил этди. Цефазалин шимдирилган дискларда нисбатан зоналар кичикроқ намоён бўлиб, бунда стафилакокк 9 мм ни, стрептококк 6 мм ни, эшерихия коли 7 мм ни, кук йиринг таёқчаси 5 мм ни, замбуруғлар эса 7 мм ни ташкил этиши қайд этилди.

Замбуруғларни дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш мақсадида Петри идишларида ўсган замбуруғлар колониясидан соф культурани ажратиб олиш учун ҳар бир Петри идишларидан бир дона калонияни олиб 1:10 нисбатда 0,9% физиологик эритмада суюлтириб экилди ва дори воситалари шимдирилган дисклар жойлаштирилиб термостатга қўйилди. Термостатдан Петри идишларидан олинган дисклар атрофида зоналар ҳосил бўлганлиги қайд қилинди. Ҳосил бўлган зоналар линейка ёрдамида ўлчанганда махсус тайёрланган эмульсия шимдирилган дискларда (окситетрациклин ва Пенстреп – 400) *Candida albicans* 22 мм, *Candida glabrata* 23 мм ва *Candida krusei* 21 мм ни ташкил этган бўлса, флуконазол шимдирилган дискларда *Candida albicans* 26 мм, *Candida glabrata* 27 мм ва *Candida krusei* 29 мм ни ташкил этди. Шунга ўхшаш нистатин шимдирилган дискларда *Candida albicans* 23 мм, *Candida glabrata* 22 мм ва *Candida krusei* 21 мм ни, ва флуконазол шимдирилган дискларда *Candida albicans* 24 мм, *Candida glabrata* 22 мм ва *Candida krusei* 25 мм ни ташкил этиши қайд этилди (1-2-3 расмлар).

Диссертациянинг «Сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг биологик ва этиопатогенетик хусусиятлари» деб аталган учинчи бобнинг «Патологоанатомик ўзгаришлари» деб номланган қисмида йирингли-катарал эндометрит билан

касалланган сигирларда патологоанатомик ўзгаришлари келтирилган. Сигирлар бачадонида кечаётган турли йирингли яллиғланиш жараёнлари оқибатида бачадон элементларининг патологоанатомик ўзгаришлари текширилганда, катарал-йирингли эндометритлар қин шиллик қаватлари, шишган бачадон бўйинчасида гиперемия учоклари, нуктасимон қон қуйилишлар ҳосил бўлган. Бачадон катталашган, пайпаслаганда ҳамирсимон консистенцияли эканлиги аниқланди.



1-расм *Candida albicans*



2-расм *Candida glabrata*



3-расм *Candida krusei*

Бачадонда катарал-йирингли экссудат бўлиб, лойқасимон чузилувчан, шилимшиқ йирингли суюқликдан иборат. Бачадон шиллик қаватларида гиперемия, қон қуйилишлар, шиш, айрим жойларида эрозия ва ярачалар ҳосил бўлган, шиллик қаватлар енгил кучадиган, карбункулалар емирилган, уларда некроз учоклари ҳосил бўлган, қон томирлар қонга тўлган, некроз, дистрофия ва эпителий ҳужайраларининг десквамацияси кузатилди.

Диссертациянинг «Сигирларда туғишдан кейинги эндометритларни даволаш» деб номланган тўртинчи боби «Сигирлардаги туғишдан кейинги эндометритларни кимё-терапевтик усулларда даволаш» қисмида сигир ва гуножинларнинг туққанидан кейин кўпайиш аъзоларининг тезда ўз ҳолатига келмаслиги ва вақтида уруғланмаслиги, оталангандан кейин ҳам зигота ва ҳомилани нобуд бўлиши, туққандан кейинги асоратлар (йўлдошни ушланиб қолиниши, кўпайиш аъзоларининг яллиғланишлари) баён этилган.

Самарқанд вилоятининг Окдарё туманидаги «Фаровон Гранд Инвест» фермер ҳужалиги сигирларда йирингли-катарал жараёнлари кечаётган 15 бош Голштин зотли сигирлар 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳлари бўлиб, учинчи назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг тўртинчи боб «Тажрибадаги сигирларнинг клиник-физиологик кўрсаткичлари» деб аталган иккинчи бўлимида йирингли-катарал эндометрит билан касалланган сигирларни турли усуллар билан даволаганда улардаги клиник белгиларининг ўзгаришлари келтирилган.

Тажрибалар давомида, катарал эндометрит билан касалланган биринчи гуруҳ хайвонларида даволаш ўртача 8 кун, иккинчи гуруҳда 10 кун ва учинчи гуруҳда 13 кун, йирингли-катарал эндометрит билан касалланган биринчи

гуруҳ ҳайвонларида даволаш 9 кун, иккинчи гуруҳда 11 кун ва учинчи гуруҳда 14 кун давом этган бўлса, бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит кечаётган ҳайвонларда эса шунга мос равишда, 11, 13 ва 15 кун давом этди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бачадон девори функцияларнинг морфологик тулик тикланиши даволаш тугатилганидан анча кейин кузатилди.

Эндометрит билан касалланган сигирларни турли усуллар билан даволаганда уларни оталаниш натижаларини кузатувлар ва тадқиқотлари шуни кўрсатдики, йирингли катарал эндометрит билан оғриган сигирларга турли хил дори моддаларини қўллаганда, тажриба гуруҳининг барча сигирларида жинсий куйкиш қўзғалиш босқичи турлича намоён бўлиши қайд этилди.

Лимоксин-200, K_2MnO_4 , фуразолидон препаратлари қўлланилган назорат гуруҳи сигирларининг уруғланиши биринчи жинсий куйкишда оталанмади, иккинчисиди 1 бошда (20,0%), учинчисиди 2 бошда (40,0%) кузатилди. Ҳаммаси булиб, тажриба давомида 3 бош сигирда ёки 60,0% оталаниш намоён бўлди.

Даволаш учун трихопол, Пенстреп – 400, айсидивит препаратларини қўлланилган сигирларнинг тажриба гуруҳида биринчи куйкишда 1 бош 20,0%, иккинчи ва учинчиларида мос равишда 20,0 ва 20,0%. Жами 3 бош сигир 60,0% уруғлантирилди.

Йирингли катарал эндометрит билан касалланган сигирларни даволашнинг энг юкори (80%) самарадорлигига 80 мл эмульсия, 1 г флуконазол ва 20 мл Пенстреп – 400 препаратларини қўллаш ёрдамида эришилди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тажриба гуруҳида энг юкори оталаниш биринчи ва иккинчи жинсий куйкишга мос равишда 60,0% ва 20,0 % га қайд этилди.

Диссертациянинг «Гематологик кўрсаткичлари» деб номланган 4.3. қисмида тажрибадаги ҳайвонларнинг гематологик текширишлар натижалари баён этилган. Қондаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлардаги асосий ўзгаришлар, сигирларда туғишдан кейинги эндометрит касалликларини даволашда умум қабул қилинган усулларга қўшимча эмульсия ва флуконазол бачадон ичига юборилган иккинчи гуруҳда намоён бўлди.


Олинган маълумотлар гуруҳлар бўйича тажриба давомида таҳлил қилинганда биринчи тажриба гуруҳида эритроцитлар сони тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 4,4% га, 7 кунда 13,8% ва 14-кунда эса 28% га $P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди (4-расм). Иккинчи гуруҳ ҳайвонларида эритроцитлар сони тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 5% га, 7 кунда 14% $P < 0,05$ ва 14-кунда 17% га $P < 0,05$ камайганлиги аниқланди. Учинчи назорат гуруҳ ҳайвонлар қонидаги эритроцитлар сони ҳам тажриба давомида камайиб тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 7,2% га, тажрибанинг 7 кунда 9,4% ва 14-кунда эса 20,8% га камайганлиги қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида лейкоцитлар миқдори ҳам тажриба давомида камайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 9,5% га $P < 0,05$, 7 кунда 11% $P < 0,05$ ва 14-кунда эса 21,4% га $P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди. Иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида ҳам лейкоцитлар миқдори камайиб борганлиги қайд этилиб, тажрибанинг 5-кунда 4% га кўпайган бўлса, 7-кунда 9,9% га ва 14-кунда эса дастлабки курсаткичга нисбатан 19,6% га $P < 0,05$ камайганлиги аниқланди.

Учинчи назорат гуруҳ ҳайвонлари қонидаги лейкоцитлар миқдори ҳам тажриба давомида камайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 5,5% га, 7 кунда 13,8% ва 14-кунда эса озроқ камайиб 14,8% га камайганлиги қайд этилди.

Қон таркибидаги гемоглобин миқдори биринчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида ушбу гуруҳ қонидаги эритроцитлар сонига мос равишда камайиб борди ва тажрибанинг 5-кунда 8,1% га, 7 кунда 16,4% ва 14-кунда эса 20,6% га $P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди (4-расм).

Иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонлари қонида гемоглобин миқдори тажрибанинг охиригача камайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 8,5% га, 7 кунда 10,1% га ва 14-кунда эса 16,5% га $P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди. Учинчи назорат гуруҳ ҳайвонлар қонидаги гемоглобин миқдори ҳам тажриба бошидан камайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 7- кунда 9,7% ва 14-кунда эса 13,5% га камайганлиги аниқланди.



4-расм. Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар қонининг морфологик курсаткичлари (%)

Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда қондаги морфологик узгаришларнинг бошланиши тажрибанинг бошида намоён бўлиб, бунда эритроцитларнинг чуқиш тезлиги тажриба бошига нисбатан 3-кунда 2,2% га камайган бўлса, тажрибанинг 7- кунда 15,6% ва 14-кунда эса 24,5% га

$P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди (4-расм). Эритроцитларнинг чуқиш тезлиги иккинчи тажриба гуруҳ хайвонларида тажрибанинг 3- ва 5-кунда шунга мос равишда 3,2 ва 4,3% га камайган бўлса, тажриба давомида яна камайиб борди ва тажриба охирида дасглабки курсаткичларга нисбатан 24,5% га $P < 0,05$ камайганлиги намоён бўлди. Учинчи назорат гуруҳ хайвонларида қондаги эритроцитларнинг чуқиш тезлиги ҳам тажриба бошида озроқ камайиб сунгра яна пасайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 3-кунда 5,1% камайган бўлса, тажрибанинг 5- кунда 10,1% ва 14-кунда эса 23,3% га $P < 0,05$ камайганлиги қайд этилди.

Касал хайвонларга даволаш муолажалари қўлланилгандан кейин улар организмидаги физиологик жараёнлар яхшилана бошлаши билан гемоглобин миқдори, эритроцилар сони ва эритроцитлар чуқиш тезлигининг камайиши кузатилди. Уткир йирингли-катарал эндометрит билан касалланган сигирлар қонидаги лейкоцитлар сонининг ошиши, маълумки лейкоцитлар организмда актив иммун ҳимоя жараёнида иштирок этиши ва организмда йирингли яллигланишлар кечганда улар сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, даволаш муолажалари қўлланилгандан кейин улар сонининг камайиши кузатилди.


Биринчи тажриба гуруҳидаги хайвонларда лейкоформуладаги эозинофиллар миқдори тажрибанинг 3 - кунда 5,5% га, 5-кунда 22,2 % га, 7-кунда 27,7 % га ва 14-кунга келиб эса 44,4 % га $P < 0,05$ ошганлиги қайд этилди. Аммо таёқча ядроли нейтрофилларда эса тескари манзара намоён бўлиб, бунда тажрибанинг 3-кунда 4,8 % га камайган бўлса, 5-кунда 19,9 % га, 7-кунда 43,4 % га тажриба охирида эса 52,4 % га $P < 0,05$ камайганлиги аниқланди.

Ушбу гуруҳдаги сигмент ядроли нейтрофиллар эса тажриба давомида камайиб, тажрибанинг 3 - кунда 8% га, 5-кунда 17,5 % га, 7-кунда 29,6% га тажрибанинг 14-кунда 39,2% га камайганлиги намоён бўлди. Лейкоформуладаги лимфоцитлар нисбий курсаткичи ҳам биринчи тажриба гуруҳ хайвонларида тажриба бошида озроқ бўлсада кўпайиб борди ва тажриба бошига нисбатан тажрибанинг 5-кунда 19,5% га ошганлиги, тажрибанинг 7-кунда эса 34,2% га ва тажриба охирида эса дастлабки курсаткичларга нисбатан 44,2% га кўпайганлиги намоён бўлди. Моноцитлар тажрибаларнинг 3-кунда 9,1% га камайган бўлса, 5 ва 7-кунларда 9% га ва тажриба охирида эса 18,1% га $P < 0,05$ ошганлиги қайд этилди (5-расм).


Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қон зардобидидаги умумий оксил миқдорининг тажриба бошига нисбатан 3-кунда 3,3% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 5 кунда 6,3%, 7 кунда 9,1%, ва 14-кунда эса 11,8% га кўпайганлиги қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги хайвонларнинг қон зардобидидаги умумий оксил миқдорининг кўпайиши асосан альбуминлар ва бетта-глобулинлар ҳисобига, яъни бунда альбуминлар миқдори тажрибанинг 3-кунда 3,1% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 5 кунда 13%, 7 кунда 18%, ва 14-кунда эса 25% га ошган бўлса, бетта-глобулинлар тажрибанинг 3 кунда 12% га, 5 кунда 18,6%, 7 кунда 29,6%, ва 14-кунда эса 38,4% га

TOVARS ZAPISNI
№ 9-14312

